



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLİSH: YANGI
PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR
FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Оқилова Камола Саъдуллоевна

*Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиши миллий маркази,
катта ўқитувчи*

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНИШГА МОТИВАЦИОН ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ЎРГАНИШ**

Аннотация. Мақолада бугунги кун таълим жараёнидаги ўзига хосликлар, ўқитувчини узлуксиз касбий ривожлантиришга бўлган муносабат ва унинг тадқиқига тегишли қарашлар, шунингдек, халқ таълими педагог ходимларининг ўз-ўзини ривожлантиришга, касбий-методик маҳоратини оширишга мотивацион тайёрлигини ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар келтирилган.


Калит сўзлар: мослашувчанлик, эҳтиёж, касбий ривожлантириш, руҳий ҳолат, мотивация.

Республикамизда давлат сиёсатининг таълимга қаратилганлиги, янги чақириқ ва стандартлар, жумладан, замонавий жадал тараққиётга эришиш учун амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар нуқтаи назаридан педагогик фаолият мураккаблашуви пайдо бўлди ва натижада ўқитувчининг ижтимоий масъулияти ҳамда мослашувчанлигига эҳтиёж кучайди. Таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятига инновацияларни жорий этиш зарурати бир қатор сабабларга кўра юзага келади, жумладан, таълимни шахсга йўналтириш ва инсонпарварлаштириш, умумий ўрта таълим учун миллий ўқув дастурларининг жорий этилиши муносабати билан ўқув жараёнини режалаштиришга ёндашувларнинг ўзгариши, бошланғич ва умумий ўрта таълим учун давлат таълим дастурлари мазмунини янгилаш, таълим ташкилотларининг



рақобатбардошлигини кучайтириш, инклузив таълимни жорий этиш, умуман, таълим сифатини ошириш. Шунга кўра, педагог кадрларнинг малакасига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда, умумтаълим тизимида рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз малака ошириш масалалари янгиланмоқда. Бундай ҳолатда энг муҳим омил ўқитувчининг узлуксиз касбий ривожланиш масаласи бўлиб қолади.

Бугунги кунда таълим тараққиётига эришиш борасидаги энг кенг тарқалган назариялардан бири ҳалқ таълими педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўлиб, узлуксиз касбий ривожланиш (УКР) мактабларда ижобий ўзгаришларга олиб келади, деган тенденсиядир. УКР даражасига эришган ўқитувчиларнинг таъкидлашича, доимий эришилган тажриба ўқитувчиларнинг билим, кўникма, малакалари, компетентлиги ва маҳоратини яхшилайди, бу эса уларнинг синфдаги амалиётини ижобий жадаллаштиради, бундай узвийлик ўз навбатида ўқувчиларнинг натижаларида ижобий ўзгаришларга олиб келади (1-расм).



1-расм. Узлуксиз касбий ривожланишнинг таъсири модели

Таълим ривожи учун педагог ходимнинг янгича фикрлаши ва ўзгаришларга мослашиши жуда муҳим. Бугунги кун тадқиқотларида ўқитувчиларда ўзгаришларни энг самарали тарзда келтириб чиқарадиган ва ўқув машғулотлари, ўқувчилар учун натижаларни яхшилайдиган касбий ривожланиш тажрибасининг хусусиятлари ҳамда контекстларини аниqlашга қизиқиши ортиб бормоқда. Олиб бораётган ушбу тадқиқотимиз йўналишида тавсифловчи ва корреляцион, тадқиқотлар устунлик қилса-да, ўрганилган тадқиқот ишлари ичida баъзи бир экспериментал ишлар ҳам мавжуд. Масалан, Дезимоне (Desimone) касбий ривожланишнинг таъсири бўйича бир қатор амалий тадқиқотлар, корреляцион, квази-экспериментал ва экспериментал тадқиқотларни олиб борди ва камида бешта хусусият самарали касбий ривожланишга олиб келишини аниqlади: контентга эътибор, фаол ўрганиш, изчиллик, давомийлик ва жамоавий иштирок.

Ўрганишларимизга кўра, бизнингча, ўқитувчини самарали касбий ривожлантиришга олиб келувчи омилларнинг барчasi учун ҳаракатлантирувчи куч – унинг мотивацияси бўлиб, мавжуд мотив касбига, билишга ва ўз-ўзини ривожлантиришга рағбатлантиради. Ўқитувчиларни узлуксиз касбий ўсишга бўлган мотивацияси маълум бир таълим ташкилотининг таълим амалиётига



инновацияларни киритиш ва умуман бутун таълим тизимини модернизация қилишнинг зарур шартидир. Кўпгина маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрича, айнан ўқитувчининг тўғри ривожланаётган мотивацион соҳаси муваффақиятли ва самарали касбий фаолиятнинг асоси, шу жумладан, шахснинг эҳтиёжлари, муносабати ва йўналишидир. К.Е. Изард инсоннинг бирламчи мотивацион тизимини ташкил этувчи ҳиссиётлар инсон хулқатворида, унинг шахсий ривожланишида ва дунё билан муносабатларида ташкилотчи омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. П.Такер ва Д.Стронглар ўқитувчи фаолиятининг самарали бўлиш шартларини ҳисобга олиб, унинг мотивациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайдилар.

Ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишга мотивацион тайёргарлигини ўрганиш таълим сиёсатидаги ташабbusлар ва ўқитувчиларнинг доимий касбий ўзини-ўзи такомиллаштириш мотивацияси даражаси ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал қилиш зарурати билан белгиланади. Ўқитувчиларнинг узлуксиз малака оширишга тайёрлиги масаласи, айниқса, таълим натижалари паст бўлган мактабларда кескин паст даражада экани маълум. Ушбу мактабларнинг ўқитувчилари доимий равишда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда турли вазиятларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган турли хил усуллар, технологияларни танлаб олишлари ва амалга оширишлари керак, масалан, мактаб контингенти орасида оғир ижтимоий шароитда бўлган ўқувчиларнинг мавжудлиги, қийин ҳаётий вазиятлар, ўзбек тилининг она тили эмаслиги ва бошқалар.

Тақиқотимиз доирасига киритилган таълим ташкилотлари билан самарали ишлашни ташкил этиш, ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий таълимга тайёрлигининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ англаш ниятида худудий марказларга малака оширишга жалб этилган педагог ходимларнинг узлуксиз касбий таълим ривожланишига таъсир этувчи мотивацияси ўрганилди ҳамда маълум бир хulosаларга келинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Desimone, L. M. (2009). Improving impact studies of teachers' professional development: Toward better conceptualizations and measures. *Educational Researcher*, 38(3), 181-199. doi:10.3102/0013189X08331140
2. Изард Кэррол Эллис. (2009) Психология эмоций. / Пер. с англ.: В. Мисник, А. Татлыбаева. СПб.: Питер. – 2009, – 460 с.
3. Pamela D. Tucker, James H. Stronge. Linking teacher evaluation and student learning. / Alexandria, VA: Association for Supervision and Curriculum Development, 2005. 132 p.
4. Su Y., Feng L. & Hsu C. Accountability or authenticity? The alignment of professional development and teacher evaluation // Teachers and Teaching, 23(6). 2017. P. 717–728, doi: 10.1080/13540602.2016.1255189.